

**ХАРБИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРБИЯЛАШ  
УСУЛИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Норкулов Руслан Раджабович  
таълим жараенини ташкил этиши бошкармаси  
катта офицери, подполковник*

**Аннотация:** Мақолада ўзини ўзи тарбиялаш усулининг ҳарбий таълим соҳасида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида фикр юритилган. Муаллиф ўзини ўзи тарбиялаш усулини ёритиб бериш асносида, ушбу методнинг ижобий хусусиятларни шакллантириш ва камчиликларни бартараф этишда, жанговар, ўкув-тарбиявий ҳамда бошқа вазифаларни бажаришда ёрдам беришини асослаб берган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий фанлар, ижтимоий фанлар, ҳарбий педагогика, таълим ва тарбия, ўзини ўзи тарбиялаш, назорат қилиш, маънавий-ахлоқий хусусиятлар, ўзини ўзи тарбиялаш усуллари.

**THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE METHOD OF SELF-  
EDUCATION IN THE FIELD OF MILITARY EDUCATION**

**Abstract:** The article examines the role and significance of the method of selfeducation in the field of military education. Covering the method of self-education, the author proves that this method contributes to the formation of positive qualities and overcoming shortcomings, the implementation of combat, educational and other tasks.

**Keywords:** military disciplines, social sciences, military pedagogy, education and upbringing, self-education, control, spiritual and moral qualities, methods of selfeducation.

**Ишнинг долзарбилиги.** Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, хусусан, ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тарихимизни, маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш йўлидаги туб ўзгаришлар шулар жумласидандир. Бу ишлар бежиз амалга оширилаётгани йўқ. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг келгуси равнақи ҳалқнинг билимдонлик савияси, унинг маънавий даражасига боғлиқ.

Эътироф этиш жоизки, ҳар соҳада бўлгани каби, ҳарбий мутахассислар тайёрлашда ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Офицер кадрларга қўйиладиган талаблар ошиб бормоқда. Чунки ҳозирги офицер нафақат муайян соҳада чегараланган билимлар эгаси бўлган тор ихтисосли мутахассис, балки

чуқур интеллектуал қобилиятга эга бўлган, кенг дунёқарашли, юксак маданиятли ва маънавиятли инсон, ўз билими, шахсий намунаси билан қўл остидагиларга тарбия ва таълим бера оладиган педагог бўлиши зарур.

Маълумки, ҳарбий фанлар қатори, ижтимоий фанларнинг, жумладан, ҳарбий педагогиканинг ҳам аҳамияти беқиёсdir. Чунки қўл остидагиларга таълим ва тарбия бериш бўйича етарли билим, кўнишка ва малакаларга эга бўлмай туриб, замонавий талабларга жавоб берувчи ҳарбий мутахассисни тайёрлаш ишини самарали амалга ошириш мумкин эмас.

Кўзланган ишларнинг натижавийлигида, шубҳасиз, офицернинг ўзини ўзи тарбиялаш усули алоҳида ўрин тутади. Зоро, бу усул офицернинг жисмоний ва жанговар хусусиятларини ошириш баробарида, унинг дунёқарашини, маънавий-рухий ва бошқа сифатларини, энг муҳими, педагогик маҳоратини шакллантиришга ёрдам беради. Юқорида келтирилган далиллар, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи, чуқур интеллектуал қобилиятга эга бўлган, кенг дунёқарашли, маданиятли ва маънавиятли ҳарбий мутахассисни тайёрлаш самарадорлигини ошириш муаммосини ҳал этишнинг янги йўлларини излаб топиш ишнинг долзарблигини тасдиқлайди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Замонавий ҳарбий мутахассисни тайёрлаш ишига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш жараёнини оптималлаштиришнинг методик йўлларини аниклашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифаси.** Ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи ҳарбий мутахассисни тайёрлаш ишининг сон ва сифат кўрсаткичларини аниклаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш, анкета сўрови, назарий таҳлил, мотивацион-натижали усуллар, шахсни ҳар томонлама ўрганиш усуллари.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим жараёни ҳамда мустақил ўқиш-ўрганиш жараёнлари.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ҳарбий таълим олувчилар ва офицерларнинг ўзини ўзи тарбиялаш усуллари, воситалар, уларнинг таркиби, босқичлари ва натижавийлиги.

**Тадқиқотнинг натижалари.** Ўзини ўзи тарбиялашга киришган офицерга бу усул, энг аввало, шахс сифатидаги ижобий хусусиятларини шакллантиришга ва камчиликларини бартараф этишга, олдида турган жисмоний ва жанговар, ўқув-тарбиявий ҳамда бошқа вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради. Педагогика тарихида муҳим из қолдирган В. Сухомлинскийнинг таъкидлашича, “агар инсон ўзини ўзи тарбияламас экан, уни ҳеч ким тарбиялай олмайди”. Шунинг учун ҳар томонлама ўзини ўзи тарбиялашда мақсадга мувофиқ йўналтириш ҳар бир офицернинг муҳим мажбуриятлари ҳисобланади. Ҳақиқий тарбия факат ўзини

ўзи тарбиялаш натижасидагина амалга оширилиб, илмий ўзини ўзи англаш орқалигина бунга эришиш мумкинлиги кўпгина тадқиқотлардан. Қолаверса, ўзини ўзи тарбиялашнинг аниқ талаблари “Таълим тўғрисида”ги қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, ҳарбий қасамёд, ҳарбий низомларда, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликка оид норматив-хукуқий ҳужжатлар ва буйруқларда кўрсатилган. Таъкидлаш жоизки, офицернинг ўзини ўзи тарбиялаш кўрсаткичи хизмат шароитига, ижтимоий-сиёсий, тарбиявий ва офицерлар жамоаси билан ўқувуслубий ишларнинг олиб борилишига боғлиқдир. Ўзини ўзи тарбиялашнинг асосий кўрсаткичларига ҳаётий мақсад ва режанинг мавжудлиги, юқори даражадаги шахсий намуна; ўзига бўлган ишонч, ўзини ўзи объектив баҳолай билиш қобилияти, онгини ривожлантириш; иродани мустаҳкамлаш, ўзини назорат қилиш; ўзини ўзи тарбиялашни назарий жиҳатдан билиш ва ўз тажрибасида синаб кўриш; ўзини ўзи тарбиялашни ҳар томонлама вижданан ва онгли равишда ташкил этиш кабилар киради.

Юқорида таъкидланган асосий кўрсаткичларнинг самарадорлиги шахснинг ўзини ўзи англаш даражасига боғлиқдир. Зоро, мазкур босқичларнинг ҳар бирида ўзига хос бир қатор саволларга жавоб бериш орқали шахс ўзини англаб боради. Психология тарихида психоаналитик назарияси вакили саналган Альфред Адлер таъбири билан айтганда, “одамлар ўзини ўзи англаш орқали ўзларини ва атрофоламни такомиллаштириш қобилиятига эга” [7].

Предметли ўзини ўзи англашда бу қуидагича амалга оширилади. Ўзини ўзи англашнинг баҳолаш босқичида олий таълим муассасалари талабалари ўзини ўзи ривожлантиришнинг турли кўринишлари сифатида фанларга доир билимларини норматив талабларга мос ёки мос эмаслигини баҳолашга оид саволларга жавоб кидириш билан шуғулланади [2].

Ўзини ўзи англашнинг муҳим қиммати шундаки, фақат унинг асосидагина шахс тўғри касбий танловни амалга ошириши ва келажақда малакали касбий фаолият билан шуғулланиш учун олий таълим муассасасида самарали билим эгаллаши мумкин.

Ўзини ўзи англаш борасида олиб борилган тадқиқотлар, амалга оширилган ишларда кўпинча ўзини ўзи англаш индивид томонидан деярли доимий тарзда намоён бўлувчи такрорланмас, индивидуал хусусиятларни муайян фаолият жараёнида англаш жараёнидир [6].

Шуни унутмаслик керакки, ўзини ўзи тарбиялашда намуна муҳим аҳамият касб этади. Чунки шахсий намуна орқали офицер ўзининг ҳаётий мақсади ва режасини, сиёсий йўналишини, ўз устида ишланинг аниқ мазмунини белгилайди. Офицер учун маънавий-ахлоқий хусусиятларни ўрганиш ўз идеалининг ҳар томонлама тараққий этганлигини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, ўзини ўзи тарбиялаш офицернинг фаоллиги, мақсадга мувофиқлиги,

ўзида ижобий хусусиятларни барқарорлаштириш, шахсий дастурини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда ҳарбий хизмат шароитларини ўз ичига олади. Шу маънода ўзини ўзи тарбиялаш офицернинг ҳаракатчанлиги, ахлоқ нормалари ва Низом талабларига мувофиқлиги, зиммасидаги мажбуриятларни бажара олиши, ҳарбий хизмат қийинчиликларини енга олиши, ижобий намунага амал қилиши каби бир қатор турларга бўлинади.

Бу усул ҳақида фикр юритганда, яна бир жиҳатта эътибор қаратиш лозим. Яъни, ўзини ўзи тарбиялашнинг мазмuni офицернинг ёшига, индивидуал хусусиятларига, хизмат фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам офицернинг ғоявий-сиёсий билими, ҳарбий касбийлиги, маънавий олами, ташкилотчилиги, жисмоний ва ахлоқий хусусиятлари, умумий, ҳарбий ва педагогик маданиятининг шаклланганлиги, ўз феъли, эҳтиёжлари ва ҳис-туйғуларини бошқара билишига алоҳида аҳамият бериш даркор. Ўзини ўзи тарбиялаш шахснинг ижобий сифатларини мукаммаллаштиришга ва салбий жиҳатларни тўхтатишига, мақсадини аниқлашга, ўз устида ишлашнинг мазмуни ва характерини фаоллаштиришга хизмат қилади. Мазкур жараён, айни пайтда, бир неча босқичга бўлинади. Хусусан, ўзининг ҳарбий-касбий фаолиятига қўйиладиган талабларни тушуна билиш, ўз хулқи ва фаолиятига холис баҳо бериш, ўз устида ишлашни режалаштириш, хатти-ҳаракатлари ва хулқини баҳолаш ҳамда назорат қила билиш сингарилар ўзини ўзи тарбиялаш жараёнининг энг муҳим босқичлари ҳисобланади.

**Хулосалар.** Ўтказилган тадқиқотлар ўзини ўзи тарбиялаш усулини мукаммал эгаллаш замонавий ҳарбий мутахассисни тайёрлаш ишида ниҳоят даражада муҳим эканлигини яна бир бор исботлайди. Тажриба шуни кўрсатадики, бунда энг кўп самара берадигани қуидагилардир: *ўзини ўзи ишонтириш*. Бунда офицерларнинг у ёки бу сифатлари ривожлантирилади, муайян қарашлар мустаҳкамланади, хулқдаги юксак ахлоқ нормалари ўрганилади, маълум бир қоидаларга амал қилинади; *ўзига-ўзи мажбурият олиши*. Офицер томонидан маълум талабнинг қўйилиши, камчиликларини бартараф қилишга ҳаракат қилиши; *ўзини ўзи машқ қилдириш*. Офицерга ўзидаги бор низомий хуқуқдаги одатларини ишлаб чиқишига ёрдам беради, касбий фаолиятидаги қўнимка ва малакаларни ҳосил қилади, жисмоний ва ақл-идрок қобилиятини ривожлантиради; *бошқаларга намуна бўлиш*. Офицерлар обрўли одамлар хулқидан тажриба ортириши, ўз фаолиятида уни ижобий қўллай билиши, ўз устида ишлаш режасини доимий равишда мукаммаллаштириб бориши; *ўзини ўзи тайёрлаш*. Ўзида маълум бир руҳий ҳолатни мустаҳкамлашга, салбий эмоцияларни енгишга, тинчлик ва уруш вақтида оғир вазифаларни бажаришга ўзини сафарбар қилиш ва бошқаришдан иборат; *ўзини назорат ва таҳлил қилиши*. Олган мажбуриятлари ва режасини солиштириш мақсадида ўзини

ўзи тарбиялашдаги реал ҳақиқийлик ва хулқлар, улардаги номувофиқликини топиш ва шу ҳолатдан чиқиши, зарурат туғилса, мослаштиришга йўналтиришдан иборатдир.

**Адабиётлар:**

1. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Ҳарбий хизмтчиларни амалиётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. *Ҳарбий фаолиятда психологик ва социологик хизматнинг тутган ўрни ҳамда роли*” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, 25-28.
2. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Интерактивное обучение как специальная форма организации познавательной деятельности. “Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари” илмий мақолалар тўплами, 2, 191-194.
3. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Ҳарбий фаолиятда психологик тадқиқот услубиятининг ўрни. *Ҳарбий фаолиятда психологик ва социологик хизматнинг тутган ўрни ҳамда роли*” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, 48-51.
4. Rakhmanova, M. K. (2016). Bases of formation students social aktivity. *Eastern European Scientific Journal*, 106-109.
5. Рахманова, М. (2019). Ёшларнинг маънавий тарбиясида қадимги ўрта осиё маънавий-маданий меросининг аҳамияти. “Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари” республика илмий-амалий конференцияси, 206-210.
6. Рахманова, М. (2019). Таълим жараёнида талабаларда креативлик қобилиятини шакллантириш масалалари. Замонавий педагогика фанининг долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами), 189-191.
7. Рахманова, М. К. (2016). Высшее образование и повышение духовнонравственной культуры и социальной активности конкурентоспособных специалистов. *Science and world*, 11(39), 85-87.